

# Лойиха-смета ишларини бажариш учун

## №67-сонли ШАРТНОМА

Нукус ш.

“ 05 ”\_Апрель\_2022 йил.

Бундан бүён Буюртмачи деб аталувчи “Қорақалпоғистон Республикаси Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК номидан Низом асосида иш юритувчи директор А.Сарсенбаев ва бундан бүён “Бажарувчи” деб юритиладиган “YO’L LOYIHA NUKUS” МЧЖ номидан устав асосида иш кўрадиган директори П.Дуйсенов орқали қуидаги шартномани туздилар:

### 1. Шартнома предмети

1.1. Буюртмачи топширади. Пудратчи эса Қорақалпоғистон Республикаси Элликкалья тумани "Ақчакўл" МФЙ Янгибод а/пункти 2,3,4,5,6-кўчаларни жорий таъмирлаш ишларининг смета хужжатларини таёrlаш ва муалифлик назоратини олиб боришини ўз зиммасига олади.

Буюртмачи: молиялаштиришни ўз зиммасига олади.

1.2. Шартнома лойиха-смета ишларини бажариш ва муалифлик назоратини олиб бориш билан боғлиқ ишларга тузилган.

1.3. Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқариш шартнома ғазначиликдан рўйхатдан ўтиб ва буюртмачи томонидан бирламчи хужжатлар тақдим этилган кундан бошланади.

### 2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Ишларни амалга ошириш баҳоси ҚҚС сиз 9 100 000 (Тўққиз миллион бир юз минг) сўмни ташкил қиласди.

2.2. Буюртмачи шартномани Ғазначиликдан рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб ўн банк кунида шартнома баҳосининг 30% микдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Ҳар бир босқичда бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи микдори белгиланган фоиз доирасида ушлаб колиниб амалга оширилади.

2.4. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш оралиқ далолатномалари имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида Бажарувчига хақ тўлашни ўз зиммасига олади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил хисбланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуидаги холлар бундан мустасно:

ишлиар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлгандা;

ишлиар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

### 3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Бажарувчи ишларни дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вактида бажаришни, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қиласди.

3.3. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган хажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида Бажарувчига ёрдам кўрсатиш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган максадларда фойдаланиш, Бажарувчининг розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни учинчи шахсга бермаслик ва ундаги маълумотларни тарқатмасликни ўз зиммасига олади.

3.4. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ҳақи ўз вактида ўтказилмаган ҳолда ишларни тугаллаш муддати ҳам тўлов ҳақи кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.5. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, келишилган кўшимча муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз хисобидан қайтадан бажаради.

3.6. Мазкур шартноманинг 2.4-банди бажарилмаган ҳолда Бажарувчи бухгалтерия хисобитобларини ўзаро солиштириш далолатномаси ёки бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида Буюртмачининг банкдаги барча турдаги хисоб-ракамларидан инкассо талабномаси кўйиш орқали пулни ундиришга тўлиқ ҳақли.

## **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартномада кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг Бажарувчи томонидан расмийлаштириб Буюртмачига топширилиши керак бўлган ҳисобот хужжатлари топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида Буюртмачига топширилади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1 бандида кўрсатилган ҳисобот хужжатларини олган кунидан бошлаб 5 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзолangan топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган холда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган холда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аникланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Қорақолпогисон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис эксперталарга Лойиха бўйича хulosса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

## **5. Конфиденциал маълумотларни химоялаш**

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни химоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## **6. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Буюртмачи ва Бажарувчи ишларни давом эттириш ёки уларни тўхтатиш учун кандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга хаклидир.

## **7. Қўшимча шартлар**

7.1. Бажарувчи лойихани муддатидан олдин бажарган холда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қиласи ва тўла тўловни амалга оширади.

7.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар конун хужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

7.3. Лойиха-смета хужжатларида давлат экспертиза хulosаси олиниб, ушбу давлат экспертиза хulosасига асосан шартнома баҳоси қўшимча келишув асосида ўзгартирилгандан сўнг Бажарувчи лойиха-смета хужжатларини ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси орқали Буюртмачига топширади.

7.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, Буюртмачини хабардор қилмаган холда учинчи шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустакил равишида жалб қилиш хукуқига эга.

7.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан ҳолларда, томонлар келишувга эришмаган тақдирда, конунларда белгиланган тартибда ва Нукус туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

7.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширганда шартлашилган тўлов кечикирилган хар бир кун учун 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома нархининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим. Агар молиялаштириш манбай томонидан кечикирилган тақдирда буюртмачи жавоб бермайди.

7.7. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар ёки қўрсатилган хизматлар муддати кечикирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.8. Агар Буюртмачининг мазкур шартнома тузилган кун ҳолатига аввалги шартномалар бўйича Бажарувчи олдида қарздорлиги бўлса, Бажарувчи ушбу шартномага асосан тўланган пул маблағларидан энг аввало қарздорликни ушлаб қолишига ва қарздорлик ёпилгандан кейин қолган маблағларни ушбу шартнома бўйича хисобга олишга ҳакли.

7.9. Шартномага қўйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосини келишув баённомаси (1- илова)
- Лойиха ишларини аниклаш сметаси (2- илова)
- Бажариш ва молиялаштириш жадвали (3- илова)

7.10. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.11. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача

7.12. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

## 8. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

### Буюртмачи

#### Қоракалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК

Манзил: Нукус ш. Хужайли гузори 16/1 уй  
ш/х: 304521860354017045129118390  
ИНН 207255036 ОКЭД: 71120  
Молия Вазирлиги газначилиги  
Р/с казн: 23402000300100001010  
Марказий банк Тошкент ш МФО 00014  
ИНН 201122919

### Бажарувчи

#### “YO'L LOYIHA NUKUS” масъулияти чекланган жамияти

Манзил: Нукус шахри, А. Темур кўчаси,  
129 а уй  
Тел: 91 389-89-99  
Х/р: 22626000405163546001  
Нукус филиали «Алоқа банк» (АКБ)  
МФО: 00623      ИНН: 307 032 421  
ОКЭД: 42110

Директор А. Сарсенбаев



Юрис У. Йакеевна

Директор П.Дуйсенов





2022 йил “ 05 ” Апрельдаги  
№67-сонли шартномага 1-илова

## Шартнома баҳосини келишуви

### БАЁННОМАСИ

Биз, қуида имзо чекувчилар: Қорақалпоғистон Республикаси Элликкаль тумани "Ақчакўл" МФЙ Янгиобод а/пункти 2,3,4,5,6-кўчаларни жорий таъмирлаш ишларининг смета хужжатларини таёrlаш ва муалифлик назоратини олиб бориш бўйича 2022 йил “ 05 ” Апрельдаги №67-сонли шартнома баҳоси **ҚҚС сиз 9 100 000 (Тўққиз миллион бир юз минг) сўмни ташкил қилади.**

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида узаро хисоб-китобларни амалга ошириш учун асос хисобланади.

#### Буюртмачи

##### Қорақалпоғистон Республикаси “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК

Манзил: Нукус ш. Хужайли гузори 16/1 уй  
ш/х: 304521860354017045129118390  
ИНН 207255036 ОКЭД:71120  
Молия Вазирлиги газначилиги  
Р/с казн: 23402000300100001010  
Марказий банк Тошкент ш МФО 00014  
ИНН 201122919

#### Бажарувчи

##### “YO'L LOYIHA NUKUS” масъулияти чекланган жамияти

Манзил: Нукус шахри, А. Темур кўчаси,  
129 а уй  
Тел: 91 389-89-99  
Х/р: 22626000405163546001  
Нукус филиали «Алоқа банк» (АКБ)  
МФО: 00623      ИНН: 307 032 421  
ОКЭД: 42110

Директор А.Сарсенбаев



Директор П.Дуйсенов





**Смета хужжатларини аниқлаш қайдномаси ва бажариш календар режаси**

- I. **Иш тури:** Қарақалпогистон Республикаси худудидаги миңтақавий йўлларни жорий таъмиrlаш учун смета хужжатларини таёrlаш ва муалифлик назоратини олиб бориш.
- II. **Буюртмачи:** “Қарақалпогистон Республикаси Миңтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК.
- III. **Бажарувчи:** “YO'L LOYIHA NUKUS” МЧЖ.

№	Объектлар номи ва манзили	Лойиҳа қуввати, км/пм	ҚМИ минг.сум	ЛСХ минг.сум	Бажариш муддати
1	2	3	4	5	6
1	Элликкаль тумани "Ақчакўл" МФЙ Янгиобод а/пункти 2,3,4,5,6-кўчаларни кўчаларини жорий таъмиrlаш	3,525		9 100,000	10 кун
	<b>ЖАМИ</b>	<b>3,525</b>		<b>9 100,000</b>	

Қайднома бўйича жами: ҚҚС сиз 9 100 000 (Тўққиз миллион бир юз минг) сўм.

Лойихачи:

Буюртмачи томонидан келишилди:



2022 йил 5 апрелдаги №67-сонли шартномага 3-илова

Қарақалпогистон Республикаси худудидаги миңтақавий йўлларни жорий таъмиrlаш учун смета хужжатларини таёrlаш ва муалифлик назоратини олиб бориш бўйича

**БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ**

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Қиймати	Бажариш		Молиялаштириш муддати
			муддати	қиймати	
1	2	3	4	5	6
	Аванс тўлови 30%			2 730,000	
1	Элликкаль тумани "Ақчакўл" МФЙ Янгиобод а/пункти 2,3,4,5,6-кўчаларни кўчаларини жорий таъмиrlаш	9 100,000	2022 й апрель	6 370,000	апрель
	<b>ЖАМИ</b>	<b>9 100,000</b>		<b>9 100,000</b>	

Буюртмачи

Бажарувчи





Лойиха-смета хужжатларининг тайёрлигининг

№67-сонли ДАЛОЛАТНОМАСИ  
05.04.2022 й.

Биз, қуидаги имзо қўйганлар, мазкур далолатномани смета хужжатларининг тайёрлиги тўғрисида туздик Қорақалпоғистон Республикаси Элликкаль тумани "Ақчакўл" МФЙ Янгиобод а/пункти 2,3,4,5,6-кўчаларни жорий таъмирлаш смета хужжатларини таёrlаш ва муалифлик назоратини олиб бориш.  
(ишларнинг номи)

2022 йил « » гача «YO'L LOYIHA NUKUS» МЧЖ  
(лойиха ташкилоти)

Қорақалпоғистон Республикаси "Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУК га бажарган.

(ташкилотнинг номи ва у кимга карашли)

2022 йил. 04.05 даги №67 – сонли шартномага асосан.


(шартнома, кушимча битим ёки наряд-буортма № ва куни)

№	Ишларнинг номи	Смета бахоси минг сум	Бажарилган	
			Иш бошидан минг сум	Шу жумладан 2022 йил минг сум
1	3	4	5	7
1	Элликкаль тумани "Ақчакўл" МФЙ Янгиобод а/пункти 2,3,4,5,6-кўчаларни жорий таъмирлаш	9 100,000		9 100,000
	<b>Жами:</b>	<b>9 100,000</b>		<b>9 100,000</b>

Жами бажарилган: **9 100 000 (Тўққиз миллион бир юз минг) сўм.**

Бажарувчи.


Директор

  
П.Дуйсенов  
(имзо)



Буюртмачи.

Директор

  
А.Сарсенбаев  
(имзо)





**Хисоб-фактура**

2022 йил 5-апрельдаги №67-сонли шартномага асосан.

**Бажарувчи****"YO'L LOYIHA NUKUS" масъулияти  
чекланган жамияти**

Манзил: Нукус шахри, А. Темур қўчаси,  
129 а уй  
Тел: 91 389-89-99  
Х/р: 22626000405163546001  
Нукус филиали «Алоқа банк» (АҚБ)  
МФО: 00623 ИНН: 307 032 421  
ОКЭД: 42110

**Буюртмачи****Қорақалпоғистон Республикаси  
“Минтақавий йўлларга  
буюртмачи хизмати” ДУК**

Манзил: Нукус ш. Хужайли гузори 16/1 уй  
ш/х: 304521860354017045129118390  
ИНН 207255036 ОКЭД: 71120  
Молия Вазирлиги газначилиги  
Р/с казн: 23402000300100001010  
Марказий банк Тошкент ш МФО 00014  
ИНН 201122919

Бажарилган ишларнинг номи	Топшириш кыймати	ҚҚСиз		ҚҚС сиз топшириш кыймати
		Микдори %	Киймати	
Элликкалъа тумани "Ақчакўл" МФЙ Янгиобод а/пункти 2,3,4,5,6-кўчаларни жорий таъмирлаш смета хужжатларини таёrlаш ва муалифлик назоратини олиб бориш.	9 100,000		ҚҚСиз	9 100,000
<b>Жами:</b>	<b>9 100,000</b>	-	-	<b>9 100,000</b>

Жами тўлов учун: **9 100 000 (Тўққиз миллион бир юз минг) сўм.**

**Бажарувчи:**

Директор Сабирова  
(имзо)

**Буюртмачи:**

(Буюртмачининг мъасул вакилининг имзоси)

2022 йил “ \_\_\_\_ ”

(Қабул килувчининг Ф.И.Ш.)

